O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TERMIZ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

Globallashuv jarayonida innovatsion ta’lim va milliy tarbiya: integratsiyaga xos muammolar, bahslar va yechimlar

“Globallashuv jarayonida innovatsion ta’lim va milliy tarbiya: integratsiyaga xos muammolar, bahslar va yechimlar”

mavzusidagi

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

TO‘PLAMI

Сборник материалов международной
научно-практической конференции на тему:
«ИННОВАЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ВОСПИТАНИЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ДИСКУССИИ И РЕШЕНИЯ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОБЛЕМ»

“INNOVATIVE AND NATIONAL EDUCATION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION: PROBLEMS, DISPUTES AND SOLUTIONS RELATED TO INTEGRATION”
international scientific-practical conference on a collection of materials

Termiz – 2023

КОРХОНА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

С.Р.Абдалова Чирчиқ давлат педагогика университети п.ф.н., доцент

Республикамизда миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларида корхона ва таълим муассасалари орасида **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш** масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимизга илғор технологиялар ва чет эл инвестицияларини кириб келиши натижасидаги глобаллашув жараёнлари меҳнат бозори талабларини тез ўзгарувчанлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолларда малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий бўғинлари – корхона ва таълим муассасалари **кадрлар истеъмолчилари** тизимларининг замон талабларига мос ҳолда фаолият юритиш масаласининг долзарблиги ортади.

Сифатли, рақобатбардош ва малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш тизими мослашувчанлигини оширишнинг замонавий йўлларидан бири - бу амалий кўникма ва назарий билимларни татбиқ этувчи узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдир. Узвий боғланган узлуксиз таълим тизими шаклланиши натижасида бу бўғинлардан самарали фойдаланиш ҳамда тайёрланаётган кадрлар салоҳиятидан ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш ўринларини замонавий мутахассислар билан тўлдириш имконияти яратилди.

Бугунги кунда жаҳондаги глобаллашув жараёнларини ҳамда хориж инвестицияларини кириб келиши таълим тизимининг мослашувчанлигини янада оширишни талаб этмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш тизими мослашувчанлигини оширишнинг замонавий йўлларидан бири – бу амалиётчи бакалаврларни тайёрлашдир. Бу таълим муассасалари ҳамда тайёрланаётган кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Шу сабабли, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, улар орасида интеграция жараёнларини кучайтириш, таълим самарадорлигини ошириш ва меҳнат бозори талабалари асосида кадрлар тайёрлашнинг мавжуд таълим йўналишларини иқтисодиётнинг долзарб ва устувор йўналишларига мос йўлга қўйиш талаб этилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграциясини янада такомиллаштириш жараёнлари бугунги кунда бевосита кадрлар тайёрлаш тизими шаклланишига йўл очиб берди. Бу борада таълим муассасаларининг йўналишлари ва ихтисосликлари талабга мувофиқ ўзгарувчан шаклга келтирилди. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг реал секторлари ҳамда ижтимоий соҳалардаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг мутахассис кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб соҳалар ривожланишининг истиқболлари, кейинги йилларда қабул қилинган ҳудудий дастурларни ҳисобга олган ҳолда айрим таълим муассасалари қайта ихтисослаштирилди, айримларида касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилиши ҳисобига бошқа касблар бўйича кадрлар тайёрлаш янгидан йўлга қўйилди, меҳнат бозоридаги эҳтиёжларни қондирилганлигини инобатга олиб қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш бошқаси билан алмаштирилиши, мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланиши янгидан йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар асосида талабаларни қабул қилиш кўрсаткичлари – таълим, санъат ва маданият, ижтимоий фанлар бизнес ва ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларини камайтириш ҳисобига - қишлоқ ва сув хўжалиги, хизмат кўрсатиш, мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари соҳалари оширилди. Буни бевосита интеграция жараёнларини кенгайиши ҳамда ишлаб чиқариш билан таълимнинг узвийлиги ривожланиб боришини натижаси сифатида кўрса бўлади. Лекин, интеграция жараёнлари фақат шу билан чекланиб қолмаган албатта.

Бугунги кунда "Корхона - Таълим муассасаси" тизими қатор таълим муассасаларида самарали йўлга қўйилган. Бу тизим уларнинг йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграциясини таъминлайди. Бунда тайёргарликнинг асосини назарий билимлардан бевосита ишлаб чиқариш шароитида фойдаланиш ташкил этади. Жумладан, Қўнгрод сода корхонасида бу усулдан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Талабалар кундузи таълим муассасасида таълим олишса, куннинг иккинчи ярмида ўз билимларидан корхоналарда ўқув амалиётлари шаклида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишмоқда. Бунда ишлаб чиқариш тизими билан таълим муассасаси ўртасида узвийлик шаклланади. Таълим муассасаси ўз ҳамкори учун мутахассислар етказиб беради. Ҳамкор эса, таълим муассасасини ўқув жараёни, малакали мутахассислар тайёрлаши учун зарурий шароитлар билан таъминлайди.

Жамиятда юз бераётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тизимлардаги янгиланишлар ишлаб чиқариш салоҳиятининг тезлик билан ошиб боришини белгилайди. Ишлаб чиқариш корхоналарини мутахассис кадрлар билан таъминлаш ушбу жараённинг узвий босқичи ҳисобланади. Ушбу ҳолатда бирор бир соҳанинг оқсаши жамиятдаги мувозанатга таъсир кўрсатади. Ўқиш даврида ташкил этиладиган амалиётлар олий таълим тизимида талабаларни ишлаб чиқариш тизимлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ягона жараён ҳисобланади. Таълим интеграцияси таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги узвий ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилади. Бунинг яна бир қанча шакллари бугунги кунда мавжуд

Ўқув - илмий - ишлаб чиқариш комплекслари таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш корхонаси, фирма ёки шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар билан келишув шартномаси орқали ташкил этилади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш фаолияти, балки илмий-тадқиқот фаолиятлари ҳам кўзда тутилади. Бу орқали талабаларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган филиаллар ёки таянч кафедралар ҳам олий таълим ҳамда ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишнинг кенг тарқалган шаклларидан бири ҳисобланади. Кафедра филиаллари таълим муассасасида ўқув-лаборатория базаси мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб боришни таъминлайди.

Фундаментал илмий-техникавий масалаларни ечиш, илмий ишланмалар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий-мухандис мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқув-илмий ва мухандислик марказлари ташкил этилади.

Мухандислик тадқиқот марказлари янги технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш, техника ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида ташкил қилинади. Бу марказлар таркибига илмий-тадқиқот марказлари, академиялар, олий таълим муассасалари жалб қилинади.

Мақсадли интенсив тайёргарлик - талабаларни иқтидори бўйича танлаб олиш, ўз қобилияти, иқтидори доирасида ривожлантириб бориш тизими бўлиб, бунда талаблардан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади. Тайёргарлик давомида чуқур фундаментал ва махсус билимларни эгаллаш лозим бўлади.

Шундай қилиб, бугунги кунда корхона ва таълим муассасалари орасида **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш**, корхона - таълим муассасаси тизими сифатини яхшилаш келажак учун етук мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегисия тўғрисида”ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947- сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Мусаев У. Интеграция - таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим принципи. //Халқ таълими журн., -2002, № 6. -Б.4-7.

3. Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы, 2-е переработанное изд. -М,: Высш. шк., - 1991.- 224 с.

4.M.S.Janbayeva Innovatsion jamiyat sharoitida zamonaviy o‘qituvchilarga bo‘lgan ehtiyojlar// Muallim ham uzluzsiz bilimlendiru https://lib.cspi.uz/index.php?newsid=8093.

5. O‘tayev A. “siyosiy pedagogika” fanini o‘zlashtirishning dolzarb muammolari // Muallim ham uzluzsiz bilimlendiru https://lib.cspi.uz/index.php?newsid=8098

6. Қайнарова И. Бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш// Muallim ham uzluzsiz bilimlendiru https://lib.cspi.uz/index.php?newsid=8094.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Нарматова Гулнора Сурхондарё вилояти педагогларини янги методикаларга ўргатиш миллий маркази катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада бошланғич таълимда интеграциялашган дарсларни ташкил этишнинг айрим услубий жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдк, компетенциявий ва шахсга йўналтирилган таълим шароитида ўқув жараёнида ички ва фанлараро алоқаларни таъминлаш, интеграциялашган дарсларнинг ўқув жараёнидаги ҳамкорлик, ўқув машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчи ҳаракатларининг алгоритми қаламга олинган.

Калит сўз ва иборалар: бошланғич таълим, интеграция, дарс, компетенциявий ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, ички ва фанлараро алоқа, ҳамкорлик муҳити, ўқув фаолият.

В данной статье рассматриваются некоторые методические аспекты организации интегрированных занятий в начальных классах. Поэтому в условиях грамотного и личностно-ориентированного обучения, обеспечения внутренней и межпредметной связи в образовательном процессе,

109	***Бошланғич синф ўқувчиларини синф ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида технологияга кизикишини шакллантириш методлари.*** *Хушбокова Н., Термиз давлат педагогика институти магистранти*	332
110	***Boshlang`ich sinf o`quvchilarining matematika darslarida kommunikativ qobiliyatlarini shakllantirish*** *Xoliqberdiyeva Durdona Xayitovna, Termiz davlat pedagogika instituti Ta`lim tarbiya nazariyasi (Boshlang`ich ta`lim) magistranti*	334
111	***Effects of using innovative technologies in education of primary class students*** *Khurramova Gulnoza Sh., Termiz State Pedagogical Institute Theory and methodology of education (primary education) 2nd stage graduate student*	338
112	***Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ekologik kommunikativ ko‘nikmalarini shakllantirish usul, metod va shakllari.*** *Xujamurodova Xosiyat Panjiyevna, Termiz davlat pedagogika instituti Ta’lim-tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim) yo‘nalishi magistranti*	341
113	***Ta’lim tizimida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning innovatsion masalalari*** *Mamatqulova Sabohat Abdurahmonovna, Termiz davlat pedagogika instituti, Pedagogika nazariyasi va tarixi(faoliyat turlari bo’yicha) yo’nalishi magistranti*	344
114	***Корхона ва таълим муассасалари интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш*** *Абдалова С.Р., Чирчиқ давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.*	347
115	***Бошланғич синфларда интеграциялашган дарсларни ташкил этишнинг улубий асослари*** *Нарматова Гулнора, Сурхондарё вилояти педагогларини янги методикаларга ўргатиш миллий маркази катта ўқитувчиси*	349
116	***Ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишида ўзлаштирилган Инновацион билимлардан амалиётда фойдаланиш шакл ва методари*** *Сатторова Дилшода Джавлиевна, Термиз давлат педагогика институти Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси*	353
117	***Инновация в педагогике*** *Имамкулов Расул Рахмонович, кандидат педагогических наук и.о. доцента кафедры Педагогики и социальной работы Термезского государственного университета. Ахмедова Дилрабо Абдуллаевна, преподаватель кафедры Начальное образование, факультета Социальные науки Термезского государственного университета*	356